

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

1-2-сон  
(85-86)  
2004 й.  
январь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

## МУНДАРИЖА

### Биринчи бўлим

1. «Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартиясини ратификация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2003 йил 12 декабрдаги 570-II-сон қарори
2. «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида Минтақавий аксильтеррор тузилмаси ҳақидаги Битимни ратификация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2003 йил 12 декабрдаги 571-II-сон қарори
3. «Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2002 йил 7 июня Сент-Петербург шахрида (Россия Федерацияси) имзоланган Хартиясига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Баённомани ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2003 йил 12 декабрдаги 572-II-сон қарори
4. «2001 йил 15 июня Шанхай шаҳрида (Хитой Халқ Республикаси) имзоланган Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенциясига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги Баённомани ратификация қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг 2003 йил 12 декабрдаги 573-II-сон қарори
5. «Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида 2002 йил 7 июня Сент-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Минтақавий аксильтеррор тузилмаси ҳақидаги Битимга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Баён-

номани ратификация килиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг 2003 йил 12 декабрдаги 574-II-сон қарори

6. «Ўзбекистон Республикаси билан Грузия ўртасида Консуллик конвенциясини ратификация килиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг 2003 йил 12 декабрдаги 575-II-сон қарори
7. «Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланилишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияга ва Якунловчи Баённомага қўшилиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг 2003 йил 12 декабрдаги 576-II-сон қарори
8. «Африка, Европа ва Осиёдаги кўчиб юрувчи сув-ботқоқ қушларини муҳофаза килиш бўйича битимга қўшилиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг 2003 йил 12 декабрдаги 577-II-сон қарори

***Иккинчи бўлим***

9. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 8 январдаги ПФ-3376-сон Фармони

***Учинчи бўлим***

10. «Давлат ва хўжалик бошқаруви республика органларининг бошқарув ходимилари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги 1-сон қарори
11. «Давлат бошқаруви худудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 январдаги 2-сон қарори
12. «Бож-тариф билан тартибга солишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 январдаги 4-сон қарори
14. «Жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатлари берилганлиги учун тўлов ундириш тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 7-сон қарори
15. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 9-сон қарори
16. «Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 январдаги 11-сон қарори
17. «2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарори  
[Кўчирма]

18. «Этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналарни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 15 январдаги 21-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

21. «Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва фалла етишириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 8 ноябрдаги 124, 242-В-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 январда 1295-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
26. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари хамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари кўйиш тартиби тўғрисида»ги низомга 2-сон кўшимчани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 27 декабрдаги 32/8-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 14 январда 1204-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 1 январдан 15 январгача бўлган маълумот

**БИРИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

**1 Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартиясини ратификация қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади**:

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартияси ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 12 декабрь,  
570-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

**2 Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ҳақида-ги Битимни ратификация қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади**:

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида Минтақавий аксил-террор тузилмаси ҳақидаги Битимни ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 12 декабрь,  
571-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

**3 Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Хартиясига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Баённомани ратификация қилиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қиласди**:

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2002 йил 7 июняда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Хартиясига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Баённомана ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 12 декабрь,  
572-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

**4 2001 йил 15 июня Шанхай шаҳрида (Хитой Халқ Республикаси) имзоланган Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенциясига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги Баённомани ратификация қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қиласди**:

2001 йил 15 июня Шанхай шаҳрида (Хитой Халқ Республикаси) имзоланган Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши кураш тўғрисидаги Шанхай конвенциясига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги Баённомана ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 12 декабрь,  
573-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

**5 Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ҳақидаги Битимга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Баённомани ратификация қилиш хақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қиласди**:

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ўртасида 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ҳақидаги Битимга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Баённома ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 12 декабрь,  
574-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

**6 Ўзбекистон Республикаси билан Грузия ўртасида Консуллик конвенциясини ратификация қилиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қиласди**:

Ўзбекистон Республикаси билан Грузия ўртасида Консуллик конвенцияси ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 12 декабрь,  
575-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

**7       Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан тан-  
фурушликдан фойдаланишига қарши кураш тўғри-  
сидаги конвенцияга ва Якунловчи Баённомага қўшилиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади**:

Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланишига қарши кураш тўғрисидаги конвенцияга ва Якунловчи Баённомага қўшиликсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 12 декабрь,  
576-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИННИГ ҚАРОРИ

**8       Африка, Европа ва Осиёдаги кўчиб юрувчи сув-бот-  
қоқ қушларини муҳофаза қилиш бўйича битимга  
қўшилиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифини кўриб чиқиб,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади**:

Африка, Европа ва Осиёдаги кўчиб юрувчи сув-ботқоқ қушларини муҳофаза қилиш бўйича битимга қўшиликсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 12 декабрь,  
577-II-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### **9 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартаришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида» янги таҳрирдаги Қонунига, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириши янада рафбатлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1987-сон Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги ПФ-3305-сон Фармонига, шунингдек «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2003 йил 11 декабрдаги 553-II-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсан.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 8 январь,  
ПФ-3376-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2004 йил 8 январдаги  
ПФ-3376-сон Фармонига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига киритиладиган ўзгартаришлар**

1. «Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 12 марта даги ПФ-1407-сон Фармони кириш қисмидаги, 1-банднинг иккинчи хатбоши, 2-банднинг иккинчи, учинчи, бешинчи ва саккизинчи хатбошидаги ҳамда 8-бандидаги «кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик» сўзлари «кичик ва хусусий тадбиркорлик» сўзлари билан алмаштирилсан.

2. «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги ПФ-1658-сон Фармонида:

а) кириш қисмидаги «банкротлик ва санациялаш (давлат ҳисобидан ёрдам бериш) тўғрисидаги ишлар бўйича ишлаб чиқариш тадбирларини» сўзлари «банкротлик ва судгача санациялаш тартиб-қоидаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

б) 2-бандда:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«устав жамғармасида давлат улуши бор, ва (ёки) пул мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси олдида қарздор бўлган иқтисодий ночор хўжалик юритувчи субъектлар бўйича қарорлар қабул қилиб, банкротлик тартиб-қоидасини жорий этиш ҳақидаги таклифларни хўжалик судига киритиш»;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар ўз кучини йўқотган деб хисоблансан;

тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«устав жамғармасида давлат улуши бўлган корхоналар банкротлиги тартиб-қоидалари амалга оширилишини назорат қилиш»;

ўнинчи хатбошидаги «мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган» сўзлари «устав жамғармасида давлат улуши бўлган» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

в) 4-бандда:

учинчи хатбошидаги «банкротлик ва санация» сўзлари ўрнига «корхоналар банкротлиги ва санацияси» сўзлари ёзилсан;

тўртинчи хатбошидаги «мол-мулкида давлат мулкининг улуши бўлган» сўзлари «устав жамғармасида давлат улуши бўлган» сўзлари билан алмаштирилсан;

бешинчи хатбошидаги «корхоналарни тугатиш ёки санациялаш жараёнида» сўзлари «корхоналарнинг банкротлиги ёки судгача санацияси тартиб-қоидаларини амалга ошириш чоғида» сўзлари билан алмаштирилсан;

г) 5-бандда:

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«тўлов қобилиятига эга бўлмаган, зарар кўриб ишлайдиган ва иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаш мақсадида устав жамғармасида давлат улуши бўлган корхоналар молиявий холатининг мониторингини юритиши»;

тўртинчи хатбошидаги «иқтисодий ночор хўжалик юритиши субъектини банкрот деб топиш ҳақида ёки қарздор корхонани санациялаш тўғрисида илтимосномаларни» деган сўзлар «устав жамғармасида давлат улуши бор, ва (ёки) пул мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси олдида қарздор бўлган корхонани судгача санациялаш ёки банкрот деб топиш тўғрисида илтимосномаларни» деган сўзлар билан алмаштирилсан;

бешинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«кредиторларнинг банкрот корхонага нисбатан даъволари қондирилишига кўмаклашиш, банкротлик ва судгача санациялаш тартиб-қоидаларини амалга ошириш чоғида акциядорлар / пайчилар / нинг мулкий хукуқлари ва манфаатлари химоя қилинишини таъминлаш»;

олтинчи, еттинчи ва тўққизинчи хатбошилар ўз кучини йўқотган деб хисоблансан;

саккизинчи хатбошидаги «иқтисодий ночор корхоналар» сўзлари «устав жамғармасида давлат улуши бўлган иқтисодий ночор корхоналар» сўзлари билан алмаштирилсан;

д) 6-бандда:

иккинчи—тўртинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«устав жамғармасида давлат улуши бўлган иқтисодий ночор корхоналарни қайта ташкил этиш дастурларини тузишда иштирок этиш;

устав жамғармасида давлат улуши бўлган ва хўжалик суди томонидан банкрот деб топилган корхоналар бўйича тугатиш ишларини амалга оширишда қатнашиш;

тўлов қобилиятини йўқотган корхоналарни судгача санациялашни, банкрот

корхоналарнинг суд санацияси, ташқи бошқарувини ташкил қилиш ҳамда тугатиш учун ажратилган Санациялаш жамғармаси маблағларини тасарруф этиш»;

олтинчи хатбоши «устав жамғармасида давлат улуши бўлган» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

еттинчи хатбошидаги «ташкилотларнинг, аудиторлик фирмаларининг мутахассисларини» сўзлари «ташкилотлар, аудиторлик ташкилотларининг мутахассислари ҳамда баҳоловчиларни» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 9-банд кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солик қўмитаси Кўмитанинг таклифларига мувофик устав жамғармасида давлат улуши бўлган қарздор корхоналарнинг иқтисодий ночорлиги тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши чоғида зарур бўладиган ана шундай қарздорлар тўғрисидаги ахборот белгиланган тартибда мазкур Кўмитага тақдим этилишини таъминласинлар».

3. «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сон Фармонида:

сарлавҳадаги, кириш қисмидаги, 3-банднинг биринчи ва учинчи хатбошидаги, 4-банднинг иккинчи ва бешинчи хатбошидаги, 5-банднинг учинчи хатбошидаги, 7-банднинг иккинчи хатбошидаги, 8 ва 9-бандлардаги, 10-банднинг тўртинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин;

2-банд ўз кучини ўйқотган деб хисоблансан;

10-банднинг учинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансан.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 23 сентябрдаги Ф-895-сон Фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислоҳотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тўғрисидаги низомнинг 8-бандидаги 4-кичик банд тўртинчи хатбошидан ва 5-кичик банд олтинчи хатбошидан «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансан.

5. «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солигини жорий этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 октябрдага ПФ-2086-сон Фармони 2-банди кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Белгилаб қўйилсанки, ягона ер солиги амалдаги барча умумдавлат соликлари (акциз солигидан ташқари) ҳамда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган кўйидаги маҳаллий соликлар ва йиғимларни тўлаш ўрнига жорий этилади:

даромад (фойда) солиги;

қўшилган қиймат солиги (товарлар (ишлар, хизматлар) импорти бундан мустасно);

экология солиги;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;

ер остидан фойдаланганлик учун солик;

мол-мулк солиги;

ер солиги;

ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги;

бошқа маҳаллий соликлар ва йиғимлар.

Ягона ер солиги тўловчилари бўлмиш қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун бож тўлови, давлат божи, лицензия йиғимлари, давлатнинг мақсадли жамғармаларига ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин».

6. «Капитал курилишда бошқарув тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбир-

лари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 18 ноябрдаги ПФ-2111-сон Фармони 4-бандининг тўртинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансин.

7. «Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 23 июлдаги ПФ-2342-сон Фармонида:

3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан;

4-банднинг биринчи хатбошидаги «ишончли шахсларга» сўzlари «тугатувчи бошқарувчиларга» сўzlари билан алмаштирилсан;

5-банддаги «ишончли шахслар ва банкрот корхоналарни тугатиш комиссияла-ри» деган сўzlар «банкрот корхоналарни тугатувчи бошқарувчилар» сўzlари билан алмаштирилсан.

8. «Рангли metallлар парчалари ва чиқиндилари ўғирланиши ҳамда ноконуний четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 4 марта ПФ-2559-сон Фармони 5-бандининг иккинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансан.

9. «Банк тизимини янада такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 марта ПФ-2564-сон Фармонида:

кириш қисмидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансан;

1-банднинг биринчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансан;

2-бандда:

биринчи ва иккинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансан;

тўртинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансан.

10. «Экспорт махсулоти ишлаб қирадиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 5 июндаги ПФ-2613-сон Фармонида:

1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«1. Экспорт қилувчи корхоналар учун умумий савдо-сотик ҳажмида ўзи ишлаб қиқарган ва эркин алмаштириладиган валютага экспорт қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти улушига қараб даромад (фойда) солиғи ҳамда мулк солиғи тўлашнинг қўйидаги тартиби белгилансин:

экспорт улуши 15 фоиздан 30 фоизгача микдорда бўлганида — белгиланган даромад (фойда) солиғи ва мулк солиғи ставкалари 30 фоизга камайтирилади;

экспорт улуши 30 ва ундан кўпроқ фоиз бўлганида — белгиланган даромад (фойда) солиғи ва мулк солиғи ставкалари 2 баравар камайтирилади.

Мазкур солиқ имтиёзи ягона солиқни ҳисоблаб чиқиш чоғида микро фирмалар ва кичик корхоналарга ҳам жорий этилсан»;

2-банд чиқариб ташлансан;

3-банддаги «1 ва 2-бандларида» сўzlари «1-бандида» деб ўзгартирилсан.

11. «Улгуржи ва биржа савдосини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 апрелдаги ПФ-2836-сон Фармони 2-бандининг тўртинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансан.

12. «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириши рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 11 июндаги ПФ-3090-сон Фармонида:

саrlавҳадаги ва кириш қисмидаги «ва ўрта» сўzlари чиқариб ташлансан;

2-банднинг учинчи хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;  
3-банддаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин.

13. «Лизинг фаолиятини ривожлантириш янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 28 августдаги ПФ-3122-сон Фармони кириш қисмидаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин.

14. «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги ПФ-3154-сон Фармони 2-банднинг тўққизинчи хатбошидаги ва 4-банднинг олтинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИГ ҚАРОРИ

### **10 Давлат ва хўжалик бошқаруви республика органларининг бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон ва «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сон Фармонларига мувофиқ ҳамда бошқарув органлари тузилмасини такомиллаштириш ва улар фаолияти самарадорлигини ошириш, бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июнданги Ф-1791-сон фармойиши билан ташкил этилган Маъмурий ислоҳотларни чукурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича Республика комиссиясининг:

1-иловага\* мувофиқ вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари ўринбосарлари лавозимларини қисқартириш;

2004 йил 1 январдан бошлаб вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари аппаратлари ҳамда уларга карашли муассасалар ва ташкилотлар бошқарув ходимларининг чекланган сонини 2\* ва 3\*-иловаларга мувофиқ белгилаш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Бошқарув самарадорлигини ошириш манфаатлари йўлида аъзолик бадаллари ва хайрия фаолияти ҳисобига маблағ билан таъминланадиган жамғармалар, ижодий ва касаба уюшмалари, жамоат ташкилотларига Маъмурий ислоҳотларни чукурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича Республика комиссиясининг таклифлари асосида ўз аппаратлари бошқарув ходимларининг чекланган сонини қайта кўриб чиқиш тавсия этилсин.

3. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

уч кун муддатда бошқарув аппаратининг бошқарув, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлари сонини қисқартириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этсинлар;

ўн кун муддатда марказий ижро этувчи аппаратларда ва тегишли таркибий бўлинмаларда қисқартириладиган лавозимлар рўйхатини аниқласинлар ҳамда қисқартириладиган шахсларни қонун хужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилсинлар;

2004 йил 15 январгача бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия ва

---

\* Иловалар берилмайди.

зирлигига 2004 йил 1 январдаги ҳолатига кўра бошқарув аппарати ходимлари сонини қисқартириш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот, шунингдек ходимларнинг белгиланган чекланган сонига риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш учун йилнинг ҳар чораги асосида бошқарув ходимлари, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони тўғрисида ахборот тақдим этилишини таъминласинлар;

конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари билан биргаликда ишдан бўшаб қоладиган ходимларни ишга жойлаштириш чоратадбирларини кўрсинлар ва бу борада кўмаклашсингилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2004 йилдан бошлаб:

бюджет муассасалари ва ташкилотларининг штат жадваллари ва харажатлари сметаларини мазкур қарор билан белгиланган бошқарув аппарати бошқарув ходимларнинг чекланган сонига ҳамда хизмат кўрсатадиган ва техник ходимлар сони нисбатининг белгиланган ҳисоблаб чиқилган нормативларига катъий мувофиқ ҳолда рўйхатдан ўтказсан;

бюджет ташкилотларининг бошқарув аппарати ходимлари сони қисқариши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағларнинг юкори малакали ходимларни моддий рағбатлантиришга ҳамда моддий-техник базани мустаҳкамлашга йўналтирилишини назарда тутсин;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бошқарув ходимларининг белгиланган чекланган сонига ҳамда хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони нисбатининг ҳисоблаб чиқилган нормативларига риоя этилиши устидан доимий мониторинг олиб борсин. Мониторинг натижалари тўғрисида ҳар йили 25 январгача ва ҳар чорақда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 20-кунигача Маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича Республика комиссиясига ахборот берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда бошқарув аппарати ходимлари сони қисқариши муносабати билан бўшаб қоладиган маблағлардан юкори малакали ходимларни моддий рағбатлантириш учун фойдаланиш тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

6. Маъмурий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (Р.С. Азимов) вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва хўжалик бошқаруви органлари бошқарув аппарати ходимлари сонининг мазкур қарорга мувофиқ қисқартирилиши устидан назорат ўрнатсин ҳамда натижалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2004 йил 1 февралгача ахборот берисин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 5 январь,  
1-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **11      Давлат бошқаруви худудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида**

Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлеклари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда тузилмасини такомиллаштириш, уларга юкланган функцияларнинг бажарилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, худудий бошқарув органларининг бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **карор килади**:

1. Белгилансинки, бошқарув тизимида ортиқча бошқарув бўғинларини қисқартириш ва маъмуриятчилик функцияларини чеклаш маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш ва худудий бошқарув органлари бошқарув ходимларини қисқартиришнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июндаги Ф-1791-сон фармойиши билан тузилган *Маъмурий ислоҳотларни чукурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича Республика комиссиясининг*:

вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлеклари бошқарув аппаратининг 1, 1а, 1б, 2, 3, 3а, 4, 4а, 5, 5а, 6-иловаларга мувофиқ намунавий тузилмаси тўғрисидаги;

жойлардаги давлат ижроия ҳокимияти органлари ва маҳаллий бўйсунишдаги корхоналар бошқарув ходимларининг 7\*, 7а\*, 7б\*, 7в\*, 7г\*, 7д\*-иловаларга мувофиқ чекланган сони тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

3. Белгилаб қўйилсанки, вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари лавозимга вилоят ҳокими томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирининг тақдимига кўра тасдиқланади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари:

ўн кун мuddатда ҳокимлеклар аппаратларида ва тегишли таркибий бўлинмаларда қисқартирилаётган лавозимлар рўйхатини аниқласинлар ҳамда қисқартириладиган ходимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилсинлар;

2004 йил 15 январгача бўлган мuddатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига 2004 йил 1 январдаги ҳолатига кўра бошқарув аппарати ходимлари сонини қисқартириш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот, шунингдек ходимларнинг белгиланган чекланган сонига риоя қилиниши устидан мониторинг олиб бориш учун бошқарув ходимлари, хизмат кўрсатувчи ва техник ходимлар сони тўғрисида ҳар чоракда ахборот тақдим этилишини таъминласинлар;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофоза қилиш вазирлиги ҳамда унинг жойлардаги органлари билан биргаликда бўшаб қоладиган ходимларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсинглар ва бу борада кўмаклашсинглар.

5. Маъмурий ислоҳотларни чукурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича Республика комиссияси (Р.С. Азимов) вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда икки хафта мuddатда Вазирлар Маҳкамасига вилоят, шаҳар, туман ҳокимининг ўринbosари мақоми татбик этиладиган раҳбарлик лавозимларини тартибга солиш ва тугатиш бўйича таклифлар киритсин.

\* 7—7д-иловалар берилмайди.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши аппарати тузилмасини ушбу қарорга мувофиқлаштириш тавсия этилсин.

7. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб хисоблансан:

Вазирлар Маҳкамасининг «Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 1997 йил 17 июнданги 301-сон қарорига 1, 2, 3, За-иловалар;

Вазирлар Маҳкамасининг «Шахарлар ва туманлар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 1997 йил 30 сентябрдаги 459-сон қарорига 1, 1а, 2, 2а, 3, За, 3б, 4, 4а-иловалар;

Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар Маҳкамасининг «Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари аппарати тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 1997 йил 17 июнданги 301-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш хақида» 1998 йил 26 февралдаги 82-сон қарорига 1—3-иловалар;

Вазирлар Маҳкамасининг «Жиззах вилояти таркибида Янгиобод маъмурий-худудий туманини тузишга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 1999 йил 30 апрелдаги 206-сон қарорига 2-илова;

Вазирлар Маҳкамасининг «Вилоятлар ҳокимликлари аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2000 йил 24 ноябрдаги 461-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Самарқанд вилоятининг Пайариқ тумани билан Челак туманини, Пастандагом тумани билан Гўзалкент туманини бирлаштириш тўғрисида»ги қарорини бажариш чора-тадбирлари хақида» 2001 йил 10 декабрдаги 472-сон қарорига 2 ва 3-илovalar;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарорига илованинг 4 ва 8-бандлари;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Қашқадарё вилоятининг Баҳористон ва Усмон Юсупов туманларини бирлаштириш тўғрисида»ги қарорини бажариш чора-тадбирлари хақида» 2003 йил 5 июнданги 247-сон қарорига 2-илова.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 5 январь,  
2-сон

Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 5 январдаги 2-сон қарорига  
1-ИЛОВА

### Вилоятлар ҳокимликлари бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси




Изоҳ:

\* Аниқ вазиятга (ҳолатга) қараб ҳокимнинг биринчи ўринбосари лавозимига қишлоқ ва сув хўжалиги масалаларига мутасаддиллик қилувчи ўринбосар тасдиқланиши мумкин.

\*\* Андижон ва Фарғона вилоятлари ҳокимликларида.

Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 5 январдаги 2-сон қарорига  
1а-ИЛОВА

### Вилоятлар ҳокимликлари бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси




Изоҳ:

\* Аниқ вазиятта (холатга) қараб ҳокимнинг биринчи ўринbosari лавозимиға қишлоқ ва сув хўжалиги масалаларига мутасаддиллик қилувчи ўринbosар тасдиқланниши мумкин.

\*\* Наманганд вилоятни ҳокимлигига.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 5 январдаги 2-сон қарорига  
16-ИЛОВА

### Вилоятлар ҳокимликлари бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси




Изоҳ:

\* Аниқ вазиятга (ҳолатга) қараб ҳокимнинг биринчи ўринбосари лавозимига қишлоқ ва сув хўжалиги масалаларига мутасаддилик қилувчи ўринбосар тасдиқланиши мумкин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 5 январдаги 2-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### Тошкент шаҳар ҳокимлиги бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси




Изоҳ:

\* Курилиш ва инвестиция дастурлари департamenti Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 апрелдаги 147-сон қарорига мувофиқ курилиш, уй-жой ва коммуникациялар котибияти негизида ташкил этилган.


Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 5 январдаги 2-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Вилоят марказлари бўлган шаҳарлар ҳокимликлари бошқарув аппаратининг  
намунавий тузилмаси**




Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 5 январдаги 2-сон қарорига  
За-ИЛОВА

**Вилоят марказлари бўлган шаҳарлар ҳокимликлари бошқарув аппаратининг  
такминий тузилмаси**



Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 5 январдаги 2-сон қарорига  
4-ИЛОВА


**Вилоят бўйсунишидаги шаҳарлар ҳокимликлари бошқарув аппаратининг  
намунавий тузилмаси**



Изоҳ: \*Капитал курилиш, коммунал хўжалик, коммуникациялар, ва ободонлаштириш масалаларига м утасаддиллик қиласди.

Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 5 январдаги 2-сон қарорига  
4а-ИЛОВА


**Вилоят бўйсунишидаги шаҳарлар ҳокимликлари бошқарув аппаратининг  
намунавий тузилмаси**



Изоҳ: \*Капитал курилиш, коммунал хўжалик, коммуникациялар ва ободонлаштириш масалаларига мутас аддиллик қиласи.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 5 январдаги 2-сон қарорига  
5-ИЛОВА


### Қишлоқ туманлари ҳокимликлари бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси



Изоҳ: \*Қишлоқ ва сув хўжалиги масалаларига мутасаддилик қиласи.

Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 5 январдаги 2-сон қарорига  
5а-ИЛОВА


### Қишлоқ туманлари ҳокимликлари бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси



Изоҳ: \*Қишлоқ ва сув хўжалиги масалаларига мутасаддиллик қиласди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 5 январдаги 2-сон қарорига  
6-ИЛОВА

### Шаҳар туманлари ҳокимликлари бошқарув аппаратининг намунавий тузилмаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **12      Бож-тариф билан тартибга солишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, импорт операцияларини бож-тариф билан тартибга солишини такомиллаштириш, бож пошлиналарини унификация қилиш, фаолият кўрсатётган корхоналарни янада замонавийлаштириш ва технология билан қайта жихозлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизнинг ракобатга бардошли маҳсулотларини ишлаб чиқаришни таъминлайдиган янги замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласиди:

1. Импорт бож пошлиналари ставкалари 1-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин. Улар 2004 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Юридик шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун четдан келтирилаётган, шунингдек вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг ташқи савдо компаниялари (бирлашмалари), «Ўзинтеримпэкс», «Ўзмарказимпэкс», «Ўзсаноатмашимпэкс», «Марказсаноатэкспорт» давлат-акциядорлик ташқи савдо компаниялари ҳамда лизинг компаниялари томонидан четдан келтирилаётган, шу жумладан қурилиш материаллари, буюмлар ва конструкциялар ишлаб чиқариш учун келтирилаётган 2-иловага мувофиқ машиналар, дастгоҳлар ва технология жихозларига импорт бож пошлиналари ставкаси 2004 йил 1 январдан бошлаб ноль фоиз микдорида белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ўз эҳтиёжлари учун 2-иловага\* мувофиқ четдан келтирилаётган машиналар, дастгоҳлар ва технология жихозларидан белгиланган мақсадда фойдаланилиши устидан қатъий назорат ўрнатсинлар. Улардан белгиланган мақсадда фойдаланилмаган, кейинчалик улар сотилган ва қайта сотилган тақдирда уларга ушбу қарорга 1-иловада белгиланган импорт бож пошлиналари ставкалари татбиқ этилади.

3. Қўйидагилар:

республикага четдан келтириладиган компьютер маълумотларини узатиш тармоқларини ташкил этиш учун асбоб-ускуналар, компьютер техникиси ва улар учун бутловчи анжомлар, дастурий воситалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 30 майдаги ПФ-3080-сон Фармонига мувофиқ 2006 йил 1 январгача бўлган муддатга бож тўловларидан (божхонада расмийлаштиришлар учун йиғимлардан ташқари) озод қилинганлиги;

3-иловага\* мувофиқ четдан келтириладиган ёғоч материаллар ва ёғочликлар учун Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 7 июлдаги 305-сон қарорига мувофиқ импорт бож пошлинасининг ноль ставкалари ва ягона бож тўлови белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, 2004 йил 1 январгача «вақтинчалик сақлаш» божхона режими остида бўлган товарларни эркин муомалага чиқаришда 2004 йил 1 февралгача Вазирлар Маҳкамасининг «Импорт бож пошлиналарини унификация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 31 майдаги 189-сон қарори билан тасдиқланган ставкалар кўлланади.

«Вақтинчалик сақлаш» режимидан эркин муомалага чиқариладиган барча товарларга 2004 йил 1 февралдан бошлаб ушбу қарор билан тасдиқланган импорт бож пошлиналари ставкалари кўлланади.

\* Иловалар рус тилидаги матнда берилади.

5. Идораларо бож-тариф Кенгashi (Э.М. Фаниев) ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти ва импорти таркиби ҳамда ҳажмларининг мутаносиблиги устидан доимий мониторингни таъминласин ва зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасига ташки савдо операцияларини тариф билан ва тарифсиз тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар кўришга доир таклифлар киритсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Импорт бож пошлиналарини унификация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 31 майдаги 189-сон қарори 2-бандининг биринчи хатбоши, 3-банди ва қарорга 1-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 5-сон, 28-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таълифлар киритсан.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш..  
2004 йил 7 январь,  
4-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **14 Жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатлари берилганлиги учун тўлов ундириш тартиби тўғрисида**

«Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида» ва «Бюджет тизими тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бериш тартиби тўғрисида» 2003 йил 28 ноябрдаги 534-сон қарорига мувофиқ ҳамда жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатлари берилганлиги учун тўлов ундириш механизмини такомиллаштириш максадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатлари берилганлиги учун тўлов ундириш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Хукумат қарорлари бўйича жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатларини беришда мазкур қарор билан тасдиқланган Низомга қатъий амал килсан.

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Э.М. Фаниев зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш..  
2004 йил 8 январь  
7-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 8 январдаги 7-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатлари берилганлиги учун тўлов ундириш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатлари берилганлиги учун тўлов (кейинги ўринларда матнда «тақдирлаш пули» деб юритилади) ундириш тартибини белгилаб беради.

2. Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича қарз олувчилар (субқарз олувчилар)дан тушадиган тақдирлаш пули республика бюджетининг даромадлари сифатида ҳисобга олинади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Захира жамғармасини шакллантириш манбаларидан бири ҳисобланади ва Давлат бюджети даромадлари таснифининг тегишли бўлими ва параграфи бўйича очилган транзит ҳисоб рақамлари орқали ўтказилади.

Тақдирлаш пулини ўтказиш учун республика бюджетининг транзит даромад ҳисоб рақами реквизитлари қарз олувчилар (субқарз олувчилар)га Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда етказилади.

#### **II. Тақдирлаш пули миқдорларини белгилаш ва уни ундириш тартиби**

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан қарз олувчи (субқарз олувчи) ўртасида тузиладиган кафолат битимида Ўзбекистон Республикаси кафолатлари берилганлиги учун тақдирлаш пули тўлаш бўйича қарз олувчи (субқарз олувчи)нинг мажбуриятлари назарда тутилади.

4. Тақдирлаш пули миқдори жалб этиладиган хорижий кредит шартларидан келиб чиқиб белгиланади:

тижорат шартларида берилган кредитлар бўйича, — йиллик 0,5 фоиз, асосий қарзнинг танланган ва қайтарилимаган қисмiga ўтказилади;

имтиёзли шартларда берилган кредитлар бўйича, — йиллик 0,1 фоиз (бюджетдан таъминланмайдиган ташкилотлар учун), асосий қарзнинг танланган ва қайтарилимаган қисмiga ўтказилади.

Тақдирлаш пулини қайтариш манбаи бюджет маблағлари бўлган кредитлар, шунингдек улар бўйича субқарз олувчиларнинг мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон

Республикасининг кафолатлари берилмайдиган, республиканинг тижорат банклари томонидан қайта молиялаштириладиган хорижий кредитлар бўйича ундирилмайди.

5. Тақдирлаш пули жалб этиладиган кредитни қайтариш жадвалига мувофиқ фоизлар тўланадиган тегишли саналарда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкинг тўлов кунидаги курси бўйича тенг миқдорда сўмда тўланади.

Тақдирлаш пулини тўлаш уч кун мобайнода кечикирилган тақдирда, қарз олувчилар (субқарз олувчилар) муддати ўтказиб юборилган суммага кўшимча рашида хар бир кечикирилган кун учун муддати ўтказиб юборилган карзлар суммасининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайдилар.

6. Қарз олувчилар (субқарз олувчилар) томонидан тақдирлаш пулини ўз вақтида тўлаш бўйича мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги пул маблағларини қарз олувчи ва субқарз олувчининг ҳар қандай ҳисоб рақамларидан (субқарз олувчининг мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатлари берилган тақдирда) муддати ўтказиб юборилган сумма ва ҳисобланган пеня миқдорида исталган валютада шубҳасиз ва сўзсиз ундириб олиш хукуқига эгадир.

Пул маблағларини қарз олувчи (субқарз олувчи)нинг ҳисоб рақамларидан чиқариш бюджетга тўловларни ҳисобдан чиқариш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Илгари олинган кредитлар суммаси ўзгарганлиги, ёхуд жалб этилган кредитларни қайтариш муддатлари узайтирилганлиги муносабати билан кредит битимларини қайта расмийлаштирувчи қарз олувчилар (субқарз олувчилар) тақдирлаш пулини мазкур Низомда белгиланган тартибда кредит битимлари қайта расмийлаштирилган пайтдан тўлайдилар.

### **III. Якуний қоидалар**

8. Қарз олувчилар (субқарз олувчилар) томонидан тўланган тақдирлаш пули қайтарилмайди ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тасарруфидага қолади.

9. Тақдирлаш пули тушуми Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ҳисобга олинади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиладиган Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботда жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатлари берилганлиги учун тўлов сифатида ҳисобот санасида тушган маблағлар тўғрисидаги маълумотни кўрсатади ҳамда ушбу маълумотни қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда тақдим этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **15 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тұғри- сида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика газ таъмино-тини башқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тұғрисида» 2003 йил 2 октобрдаги 421-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорлари-га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсін.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Н. Тұлаганов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш..  
2004 йил 8 январь,  
9-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 8 январдаги 9-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Табий газ етказиб бериш ва унинг учун хисоб-китоб қилиш тизимини такомиллаштириш тұғрисида» 1999 йил 21 сентябрдаги 439-сон қарорида:

а) 4-иловада:

«Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги» сўzlари «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси сўzlари билан алмаштирилсін;

1, 3, 8 ва 10-бандлар чиқариб ташлансан;

б) 5-иловада:

I бўлим номидаги «Ўзқимёсаноат» уюшмаси сўzlари «Ўзқимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси сўzlари билан алмаштирилсін;

I бўлимдан 1, 3, 6-9, 11-17-бандлар чиқариб ташлансан;

II бўлимдан 3, 5 ва 6-бандлар чиқариб ташлансан;

III ва V бўлимлар чиқариб ташлансан.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 январдаги 8-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 1-сон, 2-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси истеъмолчилариға газ етказиб бериш қоидаларида:

а) 1.1-банддаги «газ билан таъминловчилар ва газ сотувчи ташкилотлар» сўzlари «газ узатиш ва худудий газ таъминоти корхоналари» сўzlари билан алмаштирилсін;

б) 2.1-бандда:

тўртингич хатбошидаги «газ билан таъминловчи» сўzlари «газ узатувчи» сўzла-ри билан алмаштирилсін;

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари түплами, 2004 й.*

- бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
- олтинчи хатбошидаги «газ тақсимловчи ташкилот» ва «аҳолига» сўзлари тегишли равиша «худудий газ таъминоти корхонаси» ва «истеъмолчиларга» сўзлари билан алмаштирилсин;
- в) 3.1-банднинг иккинчи хатбошидаги «Макроиқтисодиёт ва статистика» сўзлари «Иқтисодиёт» сўзи билан алмаштирилсин;
- г) 3.2-банддаги «газ тақсимловчи, газ сотувчи ташкилотлар» сўзлари «худудий газ таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;
- д) 3.3-банддаги «газ тақсимловчи, газ сотувчи ва газ билан таъминловчи ташкилотларга» сўзлари «газ узатиш ташкилотларига ва худудий газ таъминоти корхоналарига» сўзлари билан алмаштирилсин;
- е) 3.4-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг» сўзлари «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг» сўзлари билан алмаштирилсин;
- ж) 4.3-банднинг охирги хатбошидаги «Бошкоммунгаз» бошқармасининг газ сотувчи ташкилотларига» сўзлари «худудий газ таъминоти корхоналарига» сўзлари билан алмаштирилсин;
- з) 4.5-банддаги «газ билан таъминловчи» сўзлари «газ узатиш ташкилоти билан келишган ҳолда худудий газ таъминоти корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;
- и) 4.6-банддаги «газ тақсимловчи ва газ сотувчи ташкилотлар» сўзлари «худудий газ таъминоти корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;
- к) 4.7-банддаги «газ билан таъминловчи, газ тақсимловчи ва газ сотувчи ташкилотлар» сўзлари «газ узатиш ташкилоти ва худудий газ таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;
- л) 4.8-банднинг биринчи хатбошидаги «Газ тақсимловчи ташкилотлар», «Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг», «газ билан таъминловчи ва газ сотувчи» сўзлари тегишли равиша «худудий газ таъминоти корхоналари», «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компаниясининг», «газ узатиш ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;
- м) 4.9-банда:
- биринчи хатбошидаги «газ билан таъминловчи, газ тақсимловчи ва газ сотувчи ташкилотлар» сўзлари «газ узатиш ташкилотлари ва худудий газ таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;
- иккинчи хатбошидаги «Газ билан таъминловчи ташкилотлар» сўзлари «Худудий газ таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;
- н) 4.10-банддаги «Газ билан таъминловчи ташкилот» сўзлари «Худудий газ таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;
- о) 4.11-банда:
- биринчи хатбошидаги «газ билан таъминловчилар, газ тақсимловчилар ва газ сотувчи ташкилотлар» сўзлари «газ узатиш ташкилоти ва худудий газ таъминоти корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;
- иккинчи хатбошидаги «газ сотувчи ташкилот» сўзлари «худудий газ таъминоти корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;
- п) 4.13-банда:
- биринчи хатбошидаги «Газ билан таъминловчи ташкилот» сўзлари «Худудий газ таъминоти корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;
- иккинчи хатбошидаги «газ билан таъминловчи ташкилотлар» сўзлари «худудий газ таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;
- р) 4.14-банддаги «газ билан таъминловчи, газ тақсимловчи ва газ сотувчи таш-

килотлар» сўзлари «газ узатиш ташкилоти ва худудий газ таъминоти корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

с) 4.15-банддаги «газ билан таъминловчи, газ сотувчи ташкилотлар» сўзлари «газ таъминоти ташкилоти, худудий газ таъминоти корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

т) 5.2-банддаги «(газ билан таъминловчи ташкилот) томонидан газ тақсимловчи, газ сотувчи ташкилотларга» ва «(газ билан таъминловчи ташкилот)» сўзлари тегишли равища «(газ узатиш ташкилоти) томонидан худудий газ таъминоти корхонасига» ва «(газ узатиш ташкилоти)» сўзлари билан алмаштирилсин;

у) 5.3-банддаги «газ сотувчи ташкилот» сўзлари «худудий газ таъминоти корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ф) 6-бўлим номидаги «газ тақсимлаш, газ билан таъминлаш ва газ сотувчи ташкилотлар» сўзлари «газ узатиш ташкилоти ва худудий газ таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

х) 6.2-банднинг биринчи хатбошидаги «Газ етказиб берувчи:» сўзлари «Газ узатиш ташкилоти ва худудий газ таъминоти корхоналари:» сўзлари билан алмаштирилсин;

ц) 6.4-банддаги «газ билан таъминловчи» сўзлари «газ узатувчи» сўзлари билан алмаштирилсин;

ч) 6.5 ва 6.6-банлардаги «газ билан таъминловчи, газ тақсимловчи, газ сотувчи ташкилот» сўзлари «газ узатиш ташкилоти, худудий газ таъминоти корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

ш) 6.7-банддаги «Газ сотувчи ва газ тақсимловчи ташкилот» ва «газ билан таъминловчи ташкилот» сўзлари тегишли равища «Худудий газ таъминоти корхонаси» ва «Газ узатиш ташкилоти» сўзлари билан алмаштирилсин;

ў) 7.1-банддаги «газ билан таъминловчи, газ тақсимловчи ва газ сотувчи ташкилот» сўзлари «газ узатиш ташкилоти, худудий газ таъминоти корхонаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 8 июнданги 220-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 6-сон, 29-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон нефть маҳсулотлари ва газдан фойдаланиши назорат қилиш давлат инспекцияси («Ўздавнефтгазинспекция») тўғрисидаги низомда:

а) 5-банднинг ўн биринчи хатбошидаги «газ сотувчи ташкилотлар, газ ташиш ташкилотлари» сўзлари «газ узатиш ташкилоти, худудий газ таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-банда:

иккинчи хатбошидаги «газ сотувчи ташкилотлар ва» сўзлари «газ узатиш ташкилотлари, худудий газ таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

еттинчи хатбошидаги «газ сотувчи ва газ узатувчи ташкилотларнинг» сўзлари «газ узатиш ташкилоти ва худудий газ таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбошидаги «газ сотувчи ва газ узатувчи ташкилотлар» сўзлари «газ узатиш ташкилоти, худудий газ таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-банда:

ўн иккинчи хатбошидаги «газ сотувчи, газ узатувчи ташкилотларга» сўзлари «газ узатиш ташкилотига, худудий газ таъминоти корхоналарига» сўзлари билан алмаштирилсин;

охирги хатбошидаги «газ билан таъминловчи, газ сотувчи ва газ узатувчи корхоналар» сўзлари «газ узатиш ташкилоти ва худудий газ таъминоти корхоналари» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 18 апрелдаги 178-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2001 й., 4-сон, 23-модда) 8-бандининг учинчи хатбоши ва ушбу қарорга 2-илова ўз кучини ўйқотган деб хисоблансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизимиши ва уларни сотишда хисоб-китоб қилиш механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 19 майдаги 225-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 5-сон, 38-модда) 8-бандининг тўртинчи хатбошидаги «Бошкоммунгаз» корхонаси корхоналари сўзлари «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг худудий газ таъминоти корхоналари сўзлари билан алмаштирилсин.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **16      Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини чиқариш тўғрисида**

Давлат қимматли қофозлар бозорини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш, давлат бюджети дефицитини инфляциясиз қоплаш манбаларини қўпайтириш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш ресурларидан самарали фойдаланиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига 2004 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини чиқаришга руҳсат этилсин.

2. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли пул мажбуриятлари давлат қимматли қофозлари хисобланади, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қоғозсиз шаклда чиқарилади ва Ўзбекистон Республикаси қимматли қофозлар бозорида қонун хужжатлагрига мувофиқ муомалада бўлади;

давлат ўрта муддатли пул мажбуриятлари тижорат банклари ва юридик шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари ўртасида жойлаштирилади;

давлат ўрта муддатли пул мажбуриятлари эмиссияси белгилаб қўйилган ёки ўзгарувчан даромад фоизига эга бўлган, бир йилдан беш йилгача муомалада бўладиган муддат билан алоҳида-алоҳида чиқарилган ҳолда амалга оширилади;

давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини жойлаштиришдан олинган маблағлар республика бюджетига тушади;

чиқарилган давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини жойлаштириш ва тўлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги номидан ва давлат бюджети маблағлари хисобига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишган ҳолда, молия бозори конъюнктурасига ва бюджет эҳтиёжларига қараб ҳар қайси чиқарилиш ҳажмини, тўловлар даврини ва даромад фоизини белгилаш;

иккиламчи бозорда давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини сотиб олиш

операцияларини, шунингдек уларни муддатидан олдин тўлаш операцияларини амалга ошириш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини чиқариш, уларнинг муомалада бўлиши ва уларни тўлаш тартиби бўйича ушбу қарордан келиб чиқадиган норматив ҳужжатларни бир ой муддатда ишлаб чиқсан ва тасдиқласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш..  
2004 йил 10 январь,  
11-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **17 2004-2005 йиллар даврида маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

### **[Кўчирма]**

1. Хорижий инвестициялар иштирокида ишлаётган ва янгидан ташкил этилаётган корхоналар учун бутловчи буюмлар, узеллар ва блоклар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини изчил амалга ошириш, бунинг учун замонавий технологик базани яратиш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва янги технологияларни ўзлаштириш, тегишли малакага эга бўлган кадрларни тайёрлаш ўтказилаётган таркибий сиёсатнинг муҳим, устувор вазифаси хисоблансан.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Вазирлар Маҳкамасига корхоналарнинг раҳбарлари ва муҳандис-техник ходимларининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириши кенгайтирилишидан манфаатдорлигини оширишни рафбатлантиришга доир таклифлар киритсинглар, бунда улар меҳнатига ҳак тўлашни ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилиши даражасига янада кўпроқ боғлаш назарда тутилсан.

Бошқарувнинг барча даражаларида иш якунларини чиқаришда раҳбарларнинг ишига баҳо бериш мезонларидан бири сифатида ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштирилиши даражаси, маҳаллий хом ашё негизида рақобатбардошли тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, узеллар ва блоклар, материаллар ишлаб чиқариш ўзлаштирилиши кўрсаткичидан фойдаланилсан.

5. Тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар 2004 йил 1 январдан бошлаб беш йил муддатга:

четдан олиб келинаётган технология асбоб-ускуналари ва уларга эҳтиёт қисмлар, шунингдек республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланиладиган материаллар ва компонентлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йифимларидан ташқари);

маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларига мувофиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ (солик солишнинг соддалаштирилган тизимини кўллаётган субъектлар учун);

маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Адлия вазирлиги кўрсатиб ўтилган имтиёзларни кўллаш ва бўшаётган маблағлардан тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш учун максадли фойдаланиш тўғрисидаги низомни ўн кун муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги республикада ишлаб чиқарилмайдиган четдан олиб келинадиган технология асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва компонентларни маҳаллийлаштириладиган маҳсулотни ишлаб чиқаришда технология жараёнида фойдаланиладиган технология асбоб-ускуналари, эҳтиёт қисмлар, материаллар ва компонентлар тоифасига киритиш тўғрисида хulosалар бериш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солик қўмитаси ва Адлия вазирлиги икки хафта муддатда кўрсатиб ўтилган хulosаларни беришни тартибга соловчи тегишли низомни белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

### **Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш..  
2004 йил 14 январь,  
18-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

## **18      Этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналарни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида**

Этил спирти ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этиш тизимини янада таомиллаштириш, унинг сифатини ва ракобатбардошлигини ошириш, экспортга етказиб бериш хажмларини кўпайтириш, шунингдек спирт ва алкогольни маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сотиш ва муомалага чиқаришда конунчиликнинг таъминланиши устидан назоратни кучайтириш максадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 июнаги Ф-1791-сон фармойиши билан тузилган Маъмурий ислоҳотларни чукурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича Рес-

публика комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси ва этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг;

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси таркибида «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси ташкил этиш;

буғдойдан этил спирти ишлаб чиқарувчи 1-иловага\* мувофиқ корхоналарни, уларни тегишили равишида «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси таркибидан чиқарган ҳолда «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси таркибиға киритиш түғрисида таклифлари қабул қилинсин.

2. Қуидагилар «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

спирт маҳсулотларининг ички ва ташки бозорлари маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш ва шу асосда юқори сифатли ва рақобатбардошли маҳсулотларни барқарор ишлаб чиқаришни таъминлаш, экспорт потенциалини кенгайтириш;

этил спиртини ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишининг ҳар йилги балансларини ишлаб чиқиша қатнашиш;

тармоқ корхоналарида спирт саноатини, шу жумладан хорижий инвестициялар хисобига, замонавийлаштириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга йўналтирилган ягона техника сиёсатини ўтказиш;

этил спиртини ноконуний ишлаб чиқариш ва сотишга йўл қўйилмаслиги устидан назоратни амалга ошириш;

спирт ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан белгиланган технология шартларига риоя қилиниши, давлат стандартлари талабларига жавоб берадиган юқори сифатли этил спирти ишлаб чиқарилиши устидан назоратни таъминлаш;

спирт саноати корхоналари учун мухандис-техник ва ишчи кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

3. «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компаниясини бошқариш ташкилий тузилмаси ва ижро этувчи аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 22 кишидан иборат бўлган тузилмаси 2 ва 3-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси бошқарувчи раиси ва бошқарув раисининг ўринбосари лавозимга Компания кенгашининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланадилар;

«Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси бошқарувчи раисига компаниянинг ижро этувчи аппарати ташкилий тузилмасига ва штат жадвалига ходимларнинг тасдиқланган сони доирасида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуки берилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

буғдойдан этил спирти ишлаб чиқариш факат «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси корхоналари томонидан, ягона техника сиёсати ва ишлаб чиқарилаётган спирт сифатини қатъий назорат қилиш асосида, спиртни алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи бошқа корхоналарда ишлаб чиқаришни истисно қилган ҳолда амалга оширилади;

«Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан этил спирти ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишининг ҳар йилги балансларини тайёрлашда бевосита қатнашади;

«Ўзспиртсаноат» акциядорлик компаниясининг устав жамғармаси компания таркибиға кирувчи 1-иловага мувофиқ акциядорлик жамиятларидаги давлат улуши хисобига, компаниянинг давлат активларини «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компаниясининг устав жамғармасига берган ҳолда шакллантирилади.

\* 1-илова берилмайди.

«Ўзспиртсаноат» акциядорлик компаниясининг «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси устав жамғармасига берилган давлат мулкини ва акциялар пакетини ўзгаларга бериш фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга оширилади.

«Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси ижро этувчи аппаратининг таъминоти унинг таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома асосида ўтказиладиган маблағлар, шунингдек амалдаги қонун хужжатларига зид бўлмаган бошқа даромадлар ҳисобига амалга оширилади.

5. Белгилаб кўйилсинки, Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасдиқланадиган 4-иловага\* мувофиқ таркибдаги 7 кишидан иборат бўлган Компания кенгаши «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компаниясининг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

Компания кенгаши бир ой муддатда:

«Ўзспиртсаноат» акциядорлик компаниясини ташкил этиш, компания уставини рўйхатдан ўтказиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш, банкда ҳисоб рақамлари очиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни амалга оширсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда компания устав жамғармасининг шакллантирилишини таъминласин;

компаниянинг ижро этувчи аппаратини юқори малакали қадрлар билан бутласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси билан биргаликда бир ой муддатда холдинг компаниянинг устав жамғармасини ушбу қарор қоидаларига мувофиқлаштирасин.

7. «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси унинг таркибига кирувчи этил спирти ишлаб чиқарувчи корхоналар билан биргаликда 2004 йил 1 мартача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасининг этил спирти ва алкогольни маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш комиссиясига этил спирти ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензияларни лицензиялаш тўғрисидаги янги низом қоидаларига мувофиқ қайта расмийлаштириш учун зарур хужжатларни киритсан.

8. «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компаниясининг ижро этувчи аппарати Тошкент шаҳар, Абай қўчаси, 6-йайдаги «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси биносига жойлаштирилсин.

«Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» холдинг компанияси «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси ижро этувчи аппарати ходимларини жойлаштириш учун хоналар ажратсан, уларни зарур мебеллар ва алоқа воситалари билан жихозласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А. Худойбергенов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва М.З. Усмонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 15 январь,  
21-сон

\* 4-илова берилмайди.


Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 15 январдаги 21-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**«Ўзспиртсаноат» акциядорлик компаниясини бошқаришнинг  
ташкилий тузилмаси**



Вазирлар Махкамасининг  
2004 йил 15 январдаги 21-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**«Ўзспиртсаноат» акциядорлик компаниясини ижро этувчи  
аппаратининг тузилмаси**



## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНинг  
ҚАРОРИ

**21** **Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун  
харид қилинадиган пахта ва фалла етиштириш ха-  
ражатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби  
тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
6 январда 1295-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 16 январдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 2002 йил 7 ноябрь 383-сонли «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича чоратадбирлар тўғрисида»ги ва 2003 йил 30 октябрь 476-сонли «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карорлари асосида **қарор қиласиз**:

1. Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта ва фалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

**Молия вазири М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 8 ноябрь,  
124-сон

**Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 8 ноябрь,  
242-В-сон

Молия вазирлиги ва Марказий банк  
 Бошқарувининг  
 2003 йил 8 ноябрдаги  
 124, 242-В-сон қарори билан  
 ТАСДИҚЛАНГАН

**Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид  
 қилинадиган пахта ва фалла етиштириш харажатларини тижорат  
 банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида  
 НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида» ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2002 йил 7 ноябрдаги 383-сонли «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича чоратадбирлари тўғрисида»ги ва 2003 йил 30 октябрдаги «2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 476-сонли қарорлари асосида ишлаб чиқилган.

### I. Умумий қоидалар

1. Тижорат банклари томонидан кредитлар фермер хўжаликларига муддатлий, тўловлийлик, таъминланганлик ҳамда мақсадли фойдаланиш шартларида давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган фалла ва пахта хом-ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадларида берилади.

2. Ушбу Низом 2003 йил ҳосилидан бошлаб Бухоро, Намангандарё, Хоразм вилоятларида жойлашган фермер хўжаликларига, 2004 йил ҳосилидан бошлаб Андижон, Жиззах, Навоий, Самарқанд вилоятларида жойлашган фермер хўжаликларига ва 2005 йил ҳосилидан бошлаб Корақалпогистон Республикаси, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятида жойлашган фермер хўжаликларига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан кредит беришни тартибга солади.

3. Кредитлар фермер хўжаликларига улар томонидан давлат эҳтиёжлари учун сотиладиган фалла ва пахта хом ашёси қийматининг 50 фоизигача миқдорида берилади. Фермер хўжалиги томонидан давлат эҳтиёжлари учун етказиб бериладиган маҳсулот ҳажмининг қиймати «Ўзпахтасаноат» уюшмаси ва «Ўздонмаҳсулот» ДАК корхоналари (бундан кейинги матнларда — тайёрлов корхоналари) билан тузилган контрактация шартномаларидан келиб чиқсан холда ўрнатилади.

Бунда, кредит миқдори тайёрлов корхоналари томонидан фермер хўжалигига етказиб бериладиган уруғлик маҳсулот қийматига камаяди. Кредит миқдорини аниқлаш учун кредит шартномасини тузиш вақтидаги харид нархлари асос қилиб олиниади. Харид нархлари тасдиқлангач, кредит миқдори қайта ҳисоблаб чиқилиши лозим.

4. Мазкур кредитлар факат қуйидаги мақсадлар учун берилиши мумкин:  
 иш ҳақи ва унга тегишли ажратмаларни тўлаш учун;  
 минерал ўғит ва ўсимликларни кимёвий ва биологик ҳимоя қилиш воситалари-  
 ни харид қилиш учун;  
 ёқилғи-мойлаш маҳсулотларини харид қилиш учун;

МТПлар, муқобил МТПлар, СФУлар (сувдан фойдаланувчи уюшмалари) ва бошқа шахсларнинг хизматларига тўловлар учун;

хўжалик ихтиёридаги техникаларга эҳтиёт қисмларни сотиб олиш учун;

молиявий лизингга берилган техника воситаларининг лизинг тўловлари учун; электроэнергия тўловлари учун;

плёнка остига экиладиган пахтага полиэтилен плёнкасини харид қилиш учун; коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш хизматларига тўловлар учун; ягона ер солиги тўловлари учун.

5. Бунда, бериладиган кредит микдорини аниқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан агротехкарталардан келиб чиқсан ҳолда, ҳар бир қишлоқ хўжалик экини бўйича ҳар бир харажат турининг энг кўп меъёри (қишлоқ хўжалик йилининг тегишли даврлари ёйилмаси билан) ҳар йилги хосил учун тасдиқланади. Кредит ушбу меъёрлар доирасида ажратиб борилиши лозим.

Фермер хўжалигининг бирор бир харажат тури бўйича тўловларга эҳтиёжи бўлмаган ҳолларда, мазкур ой учун умумий ажратилган маблағлар фермер хўжаликлари томонидан бошқа рухсат этилган эҳтиёжлари учун (иш ҳақидан ташқари) ўрнатилган йиллик меъёр доирасида ишлатилиши мумкин.

6. Кредитлар тегишли қишлоқ хўжалик маҳсулоти бўйича фермер хўжаликлири билан якуний ҳисоб-китоблар якунлангунча, лекин 18 ойдан кўп бўлмаган муддатга, қайтариш муддатини узайтириш хуқуқисиз берилади.

7. Фермер хўжаликларини кредитлаш банк маржасини ҳисобга олган ҳолда, имтиёзли фоиз ставкаси билан амалга оширилади.

Бу кредитлар бўйича имтиёзли фоиз ставкаси йиллик 5 фоиз микдорида белгиланиб, унинг 2,5 фоизи банк маржасини ташкил этади.

8. Кредит фермер хўжалигига унинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобраками очган ва унга хизмат кўрсатаётган банк томонидан берилади. Ушбу кредитларнинг иккиласми талаб қилиб олингунча депозит ҳисобраками очилган ва уларга хизмат кўрсатаётган банк томонидан берилишига рухсат берилмайди.

## **II. Кредитлар беришда тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларининг аризаларини кўриб чиқиши тартиби**

9. Фермер хўжаликлири билан контрактация шартномалари тузилганидан сўнг, тайёрлов ташкилотларига хизмат кўрсатувчи тижорат банклари, фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ҳар бир банк филиали бўйича маълумот тайёрлаб, кредитлашни расмийластириш учун уларнинг вилоят филиалларига тақдим этади. Банкларнинг вилоят филиаллари ўз навбатида бу маълумотларни фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи филиалларга етказади.

10. Кредит олиш учун фермер хўжаликлири уларнинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварагига хизмат кўрсатаётган банкка ариза билан мурожаат этади.

Аризага қўйидаги хужжатлар илова қилинади:

тайёрлов ташкилотлари билан тузилган контрактация шартномалари нусхалари; бизнес режа;

сўнгги ҳисобот даври учун Давлат солик хизматининг маҳаллий органи томонидан тасдиқланган бухгалтерия баланси (1-шакл), дебитор-кредитор қарзлар тўғрисида маълумотнома (2а-шакл), муддати 90 кундан ошган қарздорликларга солиштирма далолатномалар, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот (2-шакл).

11. Имтиёзли кредитлар қайтишини таъминлаш мақсадида, банк давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган пахта хом-ашёси ва фалла етиширишни молиялаштириш мақсадида фермер хўжаликларига берилган имтиёзли кредитлар қайтарилиши бўйича ўзининг тадбиркорлик хавфини суурта қилиши мумкин. «Ўзагросуурта» компаниясининг имтиёзли кредитларнинг қайтаслиги хавфини суурталаш шартномалари бўйича суурта бадаллари хажми олинаётган кредит суммасининг 1,25 фоизи миқдорида бўлади ва тижорат банкларининг ўз маблағлари хисобидан тўланади.

Бунда, тақдим этилаётган кредит миқдори «Ўзагросуурта» ДАСК билан келишилган суурта пулидан кўп бўлмаслиги зарур.

12. Мазкур Низомнинг 10-бандида келтирилган барча зарур хужжатлар тақдим этилганидан сўнг, банк фермер хўжалигининг аризасини кўриб чиқиши ва 5 кун муддат ичида у билан кредит шартномаси тузиши лозим.

Банк кредит қўмитаси томонидан кредит беришини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолларда, у раддияни ёзма шаклда асослаб бериши шарт.

### **III. Кредитлаш, мониторинг ва кредитни сўндириш тартиби**

13. Кредит шартномаси тузилиши билан бир вақтда фермер хўжалигига ссуда хисобварафи очилади.

Тўловлар ссуда хисобварафидан, қарз олувчининг тўлов топшириқномаларига асосан, нақд пулсиз шаклда (иш ҳақидан ташқари) факат ушбу Низомнинг 4-бандида кўрсатилган мақсадлар учунгина амалга оширилади.

14. Бунда, тўловлар қўйидаги тартибда амалга оширилади:

ойлик иш ҳақи тўловлари учун агротехкарталарда белгиланган меъёрларда;

минерал ўғит ва ўсимликларни химоя қилишнинг кимёвий воситалари учун тўловларда, маблағлар «Ўзқишлоқхўжаликкимё» ДАК, «Ўзкимёсаноат» ДАК тегишли корхонасининг маҳсус 23222 ҳисоб рақамига ўтказилади. Био маҳсулотларни ширкат хўжаликларидан сотиб олишда, маблағлар уларнинг маҳсус 23222 ҳисоб рақамига ўтказилади;

«Ўзагромашсервис» уюшмаси МТП ларининг хизматлари учун тўловларда, маблағлар тенг равиша бўлиниб 50 фоизи уларнинг маҳсус 23218-сонли ва қолган 50 фоизи 23210 (23220)-сонли ҳисоб рақамларига ўтказилади;

ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва электроэнергия учун «Ўзнефтмаҳсулот» компанияси, «Ўзбекэнерго» ДАК корхоналари ва ширкат хўжаликларига тўловларда, маблағлар уларнинг маҳсус 23210 (23220) ҳисоб рақамига ўтказилади;

муқобил МТПлар, СФУлар (сувдан фойдаланувчи уюшмалари), бошқа корхона ва ташкилотлар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳамда олинган маҳсулотлар учун тўловларда, маблағлар ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамларига ўтказиб берилади.

15. «Ўзқишлоқхўжаликкимё» компанияси ва «Ўзкимёсаноат» компанияси корхоналарининг 23222-сонли муваққат ҳисоб рақамларига келиб тушган маблағлар, «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кимё саноати корхоналари билан улар томонидан давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етишириш учун минерал ўғитлар ва бошқа кимёвий маҳсулотлар етказиб бериш учун ҳисоб-китоблар механизми тўғрисидаги низом»да (рўйхат № 1049, 16 июль 2001 йил — Меъёрий хужжатлар Ахборотномаси, 2001 й., 14-сон) белгиланган мақсадларга йўналтирилади.

16. «Ўзбекнефтегаз» МХК таркибига кирувчи корхоналарнинг 23210 (23220)-сонли муваққат ҳисоб рақамларига тушган маблағлар «Ўзбекнефтегаз МХК корхон

налари ва ташкилотлари хисобваракларидан тўловларни ҳамда табиий газ истеъмол қилувчиларнинг етказиб берувчилар — «Бошкоммунгаз» корхонаси, «Ўзгазсотиш» шўъба корхонаси, «Ўзтрансгаз» АК билан хисоб-китобларни амалга ошириш тартиби тўғрисида низом»да (рўйхат № 1021, 26. март 2001 йил — Меъёрий хужжатлар Ахборотномаси, 2001 й., 6-сон) белгиланган мақсадларга йўналтирилади.

17. «Ўзагромашсервис» уюшмасининг таркибига кирувчи корхоналарнинг 23218-сонли мувакқат хисоб рақамларига тушган маблағлар «Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг пул маблағларини «Ўзагромашсервис» уюшмасининг МТПларига кўрсатилган хизматлар, етказиб берилган қишлоқ хўжалик техникаси ва эҳтиёт қисмлари учун ўтказилиш тартиби тўғрисида низом»да (рўйхат № 1082, 10 ноябрь 2001 йил — Меъёрий хужжатлар Ахборотномаси, 2001 й., 21-сон) белгиланган мақсадларга йўналтирилади.

18. Банклар тўловларнинг ссуда хисобварифидан фақат мазкур Низомнинг 4-бандидаги мақсадлар учун амалга оширилишини назорат қиласи. Шунингдек, ҳақиқатда фалла ва пахта экинларининг мавжудлиги, уларда ниҳолларни парваришлаш бўйича зарур агротехника ишларининг ўтказилишини жойларга чиқиб аниқлаш орқали кредит мониторингини олиб борадилар.

19. Экинлар (тўлиқ ёки қисман) мавжуд бўлмаган ёки улар аҳволининг қониқаризилиги, жумладан агротехник тадбирларнинг кечикиши, майдонда бегона ўтларнинг кўпайиши ҳолатлари аниқланганда, банк туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимларининг хуносаси асосида кредитлашни тўхтатади ва кредитлар ҳамда уларга хисобланган фоизларни муддатидан олдин сўндириш чораларини кўради. Бу чоралар кредит шартномасида келишилган бўлиши керак.

20. Кредитлар ва унга ҳисобланган фоизлар фермер хўжаликларининг маҳсус 23210 (23220) хисоб рақамларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлов корхоналарига сотишдан тушган маблағлар хисобидан, муддатли мажбуриятномалар асосида мемориал ордери орқали биринчи навбатда ундирилади.

21. Кредитлардан фойдаланганлик учун фоизлар кредитнинг амалдаги қолдигига ҳар куни ҳисоблаб борилади ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлов корхоналарига сотишдан тушган маблағлар ҳисобидан:

фалла етиширишни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича — йилнинг июль ойидан бошлаб ва кредитни тўлиқ қайтариш вақтигача;

пахта хом-ашёси етиширишни молиялаштиришга ажратилган кредитлар бўйича — йилнинг ноябрь ойидан бошлаб ва кредитни тўлиқ қайтариш вақтигача ундирилади.

Бунда фермер хўжаликлари кредитни ва унга ҳисобланган фоизларни муддатидан олдин қайтаришлари мумкин.

22. Шунингдек, ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланиш Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Жамғарманинг худудий инспекторлари томонидан ҳам текшириб борилади.

23. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзагросугурта» ДАСК ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси билан келишилган.

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири А. ЖЎРАЕВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 8 ноябрь

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

Тошкент ш.,  
2003 йил 8 ноябрь

**Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси С. ҚОБИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 8 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**26** **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-сон қўшимчани тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
14 январда 1204-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 24 январдан кучга киради)*

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги низомга 2-сон қўшимча лойиҳасини кўриб чиқиб ва муҳокама қилиб, Бошқарув қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2003 йил 22 январда 1204-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисида»ги низомга 2-сон қўшимча иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, 10 кундан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк Бошқаруви раиси вазифасини  
бажарувчи М. ЖУМАГАЛДИЕВ**

Тошкент ш.,  
2003 йил 27 декабрь,  
32/8-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

Марказий банк Бошқарувининг  
2003 йил 27 декабрдаги 32/8-сонли  
карори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат  
банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош  
бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга  
нисбатан малака талаблари қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-сон қўшимча**

5-банд қўйидаги тахрирдаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Алоҳида ҳолларда, тижорат банки Бошқаруви тавсияси асосида банкларнинг  
туман филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига иқтисодий  
ўрта маҳсус маълумотга эга бўлган номзодларни маълумоти бўйича Комиссия қарор  
қабул қилиш хукуқига эга.»

**Ўзбекистон Республикаси  
 Адлия вазирлиги маълум қилади:  
 вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг  
 умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат  
 рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида  
 2004 йил 1 январдан 15 январгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёjlари учун харид қилинадиган пахта ва фалла етишириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2003 йил 8 ноябрдаги 124, 242-В-сон қарори.

**2004 йил 6 январда 1295-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 16 январдан кучга киради).**

2. «Курилиш обьектлари учун лойиха-тадқиқот ишлари қийматини шартномавий жорий нархларда белгилаш тартибини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиши қўмитасининг 2003 йил 15 декабрдаги 9-сон қарори.

**2004 йил 8 январда 1296-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 18 январдан кучга киради).**

3. «Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилаётган бинолар ва иншоатларни капитал таъмирлашни маблағ билан таъминлаш ва аниқ рўйхатларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгаришилар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 26 декабрдаги 135-сон қарори.

**2004 йил 14 январда 1073-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 24 январдан кучга киради).**

4. «Бухгалтерлик ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сон буйруғи.

**2004 йил 14 январда 1297-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 24 январдан кучга киради).**

5. «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари ҳамда бош бухгалтерлари лавозимларига тавсия этилаётган номзодларга нисбатан малака талаблари кўйиш тартиби тўғрисидаги низомга 2-сон қўшимчани тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2003 йил 27 декабрдаги 32/8-сон қарори.

**2004 йил 14 январда 1204-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 24 январдан кучга киради).**

6. «Муҳрлар ва штампларни тайёрлаш, саклаш ва улардан фойдаланиш тарти-

би тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2003 йил 21 сентябрдаги 256-сон буйргуи.

2004 йил 15 январда 1077-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 25 январдан кучга киради).

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Нотурар жойларни ижарага бериш хуқуқини олиш бўйича аукционларни ўтказиш тўғрисида вақтинчалик низом. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган (05.05.1994 й., рўйхат рақами 49).

**Адлия вазирининг 2004 йил 14 январдаги 5-мҳ-сон буйруги билан реестридан чиқарилди.**

2. Нотурар жойларни ижарага бериш хуқуқини олиш бўйича танловларни ўтказиш тўғрисида низом. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган (05.05.1994 й., рўйхат рақами 50).

**Адлия вазирининг 2004 йил 14 январдаги 6-мҳ-сон буйруги билан реестридан чиқарилди.**

**Мазкур норматив-хуқуқий хужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгаришлар киритилиши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

**Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Идоравий меъёрий хужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси томонидан тайёрланди.**

**Саволлар ва таклифлар учун  
телефонлар: 133-38-67, 132-00-28**